БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 18 (765)

25 ЯНВАРЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Кеча Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрида қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадаси ўз ишини бошлади.

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари, шу жумладан пойтахтимиз ва областимиз аҳолиси ғоят қувончли, сира унутилмас, шодиёна ва завқли воқиаларни нишонлаб ўтдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Н. С. Хрушчев Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг тантанали қўшма мажлисида республикамизга иккинчи Ленин орденини топширди. Совет давлатининг олий мукофоти — Ленин ордени топширилишига бағишланган кун серқуёш республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида катта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Шунингдек қардош республикалар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССРга, Олтай, Красноярск ўлкаларига, Москва, Воронеж, Новосибирск, Саратов, Омск, Челябинск ва Чкалов областларига Ленин орденини топширишга бағишланган тантаналар ҳам, бу республика, ўлка ва областлардаги қишлоқ хўжалик илғорларининг СССР орден ва медаллари билан мукофотланиши ҳам Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг буюк ғалабасини, кўп миллатли ва кўп миллионли совет халқлари дўстлигининг улуғ кучини кўрсатади.

Республикамиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистондаги колхозчилар, ишчилар, қишлоқ хўжалиги ва саноат мутахассислари, фан, маданият, партия ва совет ходимларининг меҳнатига юксак баҳо бериб, 15 минг 704 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаганлиги ҳақидаги Фармонни зўр хурсандчилик, партия ва ҳукуматимизга чуқур миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар. Донгдор пахта усталаридан 200 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди. Октябрь районидаги Каганович номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов учинчи марта «Ўроқ ва болға» олтин медали билан мукофотланди. Республика қишлоқ хўжалик илғорлари қаторида Тошкент областидан 164 киши Ленин ордени билан, 429 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 669 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан, 497 киши «Шавқатли меҳнати учун» ва 482 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги» учун медаллари билан тақдирланди. 43 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Ўзбек пахтакорлари эришган бу тарихий ғалабалар она-Ватанимизнинг шон ва шуҳратини янада ошириш йўлида қилинган қаҳрамонона меҳнатнинг самараси, ленинча миллий сиёсатнинг зўр тантанасидир. РСФСР, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Арманистон республикаларининг вакиллари иштирок этган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойи жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлигида ўзбек халқи эришган оламшумул тарихий ғалабаларни якунлади, мамлакатимиз халқлари абадий ва бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига айланди. Қурултой делегатлари республикамизда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш вазифаларини муҳокама қилиб, конкрет тадбирлар белгиладилар, республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари номидан 1957 йил учун социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Қурултой қардош пахтакор республикалар билан — Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон республикалари билан традицион социалистик мусобақани яна давом эттиришга, бу йил мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта етказиб беришга қарор қилди. Халқларимиз ўртасидаги буюк дўстликни ёрқин ифода қилувчи бу мусобақа қардош республика пахтакорларини пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат улуғвор программани амалга оширишга, совет пахтачилигини ривожлантириш учун курашда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга сафарбар этади.

Никита Сергеевич Хрушчев Ўзбекистон ССР Олий Совети, Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тантанали қўшма мажлисида бундай деди:

— Ўзбекистон ССР ва Ўрта Осиёдаги бошқа совет республикалари жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Менинг фикримча, баъзи кишилар, ҳатто Совет Иттифоқидаги баъзи кишилар ҳам Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг самараси бўлган бу муваффақиятларни ҳали яхши пайқаб олган эмаслар.

Ўзбекистон ССРнинг ва барча совет республикаларининг эришган муваффақиятлари ишчилар синфининг ғалабаси тўғрисидаги, ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар билан, бутун меҳнаткаш халқ билан иттифоқ бўлиб ҳокимиятни қўлга олиши тўғрисидаги марксча-ленинча назария амалга ошганлигини яққол ифода этади.

Республикамизга берилган олий мукофот, халқимизга кўрсатилган буюк шараф ва зўр ишонч ҳаммамизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Биз олтинчи беш йилликнинг иккинчи йили программасини, пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш вазифасини муваффақият билан ҳал қилмоқ учун зўр ғайрат ва ташаббус билан астойдил меҳнат қилишимиз, умумхалқ социалистик мусобақасини ҳозиргдан кенг миқёсда авж олдириб юборишимиз керак.

1957 йилда пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш вазифалари колхоз, совхоз ва МТСларга қилинаётган раҳбарликни янада яхшилашни, кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишнинг савиясини ҳар тарафлама оширишни, фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини кенг ёйишни, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг омма билан алоқасини ҳар тарафлама кенгайтириш ва мустаҳкамлашни, айрим раҳбар ходимларимиз орасида баъзан учраб турадиган бюрократизм, манманлик ва мақтанчоқлик ҳолларини қатъиян бартараф қилишни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети колхозчиларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, мутахассисларга ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига қарата Мурожаат қабул қилдилар. Бу Мурожаатда олтинчи беш йилликнинг иккинчи йилида социалистик қишлоқ хўжалигимизни зўр куч билан юксалтиришнинг буюк программаси чизиб берилган.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун совет халқи каби Партия ва Ҳукуматимиз Мурожаатини қизғин мазқуллашмоқдалар ва унга меҳнат ғайратини янада ошириш билан жавоб бермоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашларининг бу ғайратига бошчилик қилиб, кўкламги экишга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш, ҳар бир колхоз, совхоз ва МТСнинг экишга пухта тайёргарлик билан киришишини таъминлаш — маҳаллий партия, совет ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Партия ва Ҳукуматимизнинг оталарча гамхўрликларидан ҳамда доимо бериб келаётган ғоят катта ёрдамларидан илҳомланган областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, ўзларининг бутун куч ва ғайратларини социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг янги муваффақиятлари учун курашга сарф қиладилар.

Красноярск ўлкасига Ленин ордени топширилди

КРАСНОЯРСК, 22 январь. (ТАСС). Бугун Красноярск ўлкасининг меҳнаткашлари учун қувончли кундир — бугун ўлкага Ленин ордени топширилади. Красноярскликлар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда эришган ютуқлари учун ва давлатга 94 миллион пуд ғалла топширганликлари учун ана шу юксак ҳукумат мукофотига муяссар бўлдилар.

Бугун Красноярскда, Пушкин номидаги театрда меҳнаткашлар депутатлари ўлка Советининг ва КПСС ўлка комитетининг қўшма тантанали мажлиси бўлди. Кундуз соат 12 да театр залига донгдор кишилар — юқори ҳосил усталари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ходимлари, Олтой ўлкасидан келган меҳмонлар тўпландилар. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари Л. М. Каганович, ўлка партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхоз ерлари ва қўриқ ерлардаги совхозларнинг донгдор меҳнаткашлари президиумга чиққанларида мажлис қатнашчилари уларни самимий кутиб оладилар.

Тантанали мажлисни меҳнаткашлар депутатлари Красноярск ўлка Советининг раиси Н. Г. Фалалеев очади. У колхозчилар, ишчилар, интеллигенциянинг меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига ва Совет ҳукуматига ўлка меҳнаткашлари номидан ташаккур изҳор қилади.

Мажлис қатнашчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Президиумини фахрий президиумга сайлайдилар.

Сўз Л. М. Кагановичга берилади. Ўртоқ Каганович СССР Олий Совети Президиумининг Красноярск ўлкасини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттиради. Сўнгра у бутун залнинг овацияси остида Ленин ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғини ўлка Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Фалалеев ва ўлка партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Органовга топширади. Л. М. Каганович Фалалеев ва Органов Ўртоқларни самимий кучоқлайди ва ўпади.

Ўртоқ Органов жавоб нутқи сўзлайди. У ишчилар, колхозчи деҳқонлар, интеллигенция, барча меҳнаткашлар номидан юксак мукофот учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига чуқур ташаккур изҳор қилади. Ўртоқ Органов ўлка халқ хўжалигининг эришган муваффақиятлари ҳақида гапиради. Красноярск ўлкасининг дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштирувчи ўлка бўлиб қолгандигини таъкидлайди. Красноярскликлар бу йил мамлакатга камида юз миллион пуд ғалла беришлари керак — қишдоқ хўжалик меҳнаткашларининг ўлка партия ташкилотининг вазифаси ана шундайдир.

— Биз сибирликларда қатъий қоида бор,— дейди Ўртоқ Органов,— мамлакат олдида мажбурият олган эканмиз, уни албатта бажарамиз.

Тантанали мажлисда Ужур районидаги «Намять Ленина» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Чалкин, XX партия съезди номли совхознинг ишчиси В. Огарков, Шчетинкин номли МТСнинг комбайнчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Лисенко ва бошқалар ҳам сўзладилар. Улар XX съезд қарорларини тезроқ амалга оширмоқ учун янада яхшироқ ишлаймиз, деб Партия ва Ҳукуматни ишонтирдилар.

Мажлисда Ўртоқ Л. М. Каганович нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. М. Каганович нутқи

Азиз Ўртоқлар!

Совет ҳукумати ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети номидан колхозчиларни, ишчиларни, совет интеллигенциясини қилган хизматларига муносиб равишда берилган юксак мукофот билан чин кўнгилдан табриклайман. **(Қарсаклар).**

Орденли Красноярск ўлкасининг меҳнаткашларига бутун қалбимдан эсон-омонлик тилайман, қишлоқ хўжалигини ва саноатни янада юксалтириш соҳасида, совет халқининг ва севикли социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида қилинаётган олижаноб, шавкатли меҳнатда янги катта муваффақиятлар тилайман. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

I

Красноярск ўлкаси 35,5 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун, дон етиштиришни кўпайтириш учун умумхалқ курашида актив қатнашди ва муваффақиятлар қозонди, шунинг учун ҳам Красноярск ўлкаси ўзининг қилган бу хизматларига яраша мамлакатимизда шонли мукофот бўлган Ленин орденига сазовор бўлди. Сизларнинг ўлкангиз улуғ Совет Иттифоқининг илғор областлари ва республикалари орасида ҳақли равишда фахрли ўрин олди. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятлар учун кўплаб берилаётган мукофотлар партия ва унинг Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришга қаратилган сиёсати ғалаба қозонганлигини, айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги сентябрь Пленумидан бошлаб бир қанча Пленумларида ҳамда партия XX съездида қўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган сиёсатнинг ғалаба қозонганлигини ёрқин ифодалаб бермоқда. **(Қарсаклар).**

Колхозлар ва совхозларнинг меҳнаткашлари ўлка шаҳарларидаги ва Совет Иттифоқининг бошқа жойларидаги, айниқса Россия Федерацияси шаҳарларидаги ишчи ва хизматчиларнинг актив ёрдами билан бир миллион гектардан кўпроқ қўриқ ер очдилар, 1956 йилда ғалладан катта ялпи ҳосил олиб, давлатга 94 миллион пуд ғалла топширдилар. Красноярск ўлкаси 1953 йилда атиги 35 миллион пуд ғалла берган эди.

Ўлка картошка, сабзавот, гўшт, сут, жун, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, топшириш ва сотиш бўйича йилни муваффақият билан тугаллади. Чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш соҳасида ҳам бир мунча ютуқлар бор.

Красноярск ўлкасида яшовчи руслар, украинлар, ҳакаслар, белоруслар, ненецлар, эвенклар, ёқутлар, нганасанлар ва бошқалар бўлиб, 20 дан кўпроқ миллат меҳнаткашлари ўлка халқ хўжалигини юксалтириш учун курашда аҳил меҳнат оиласида жипслашдилар. Бу — партиямиз ленинча миллий сиёсати ғалаба қозонганлигининг натижасидир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ҳакассия автоном области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг дон етиштиришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришганлигини қайд қилиб ўтиш зарур. Бу автоном областда қўриқ ерларни очиш йўли билан кейинги уч йил ичида ғалладан олинаётган ялпи ҳосил кўпайганлиги туфайли давлатга ғалла топшириш беш баравардан зиёдроқ ортди.

Мен СССР Олий Совети Президиуми, Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг сизларга Ленин орденини топшириш учун Красноярск ўлкасига бориш тўғрисида берган топшириғини алоҳида мамнуният ва хурсандчилик билан қабул қилдим. **(Қарсаклар).** Мен бу топшириқни умуман жойларга бориб, шу жойларда жонли ишларни қилаётган одамлар билан учрашиш кўнгилли ва фойдали бўлгани учунгина қабул қилганим йўқ. Мен бу топшириқни яна шунинг учун ҳам қабул қилдимки, Красноярск ўлкасида колхозлар эндигина тузила бошлаган йилларда ва кейин, колхозлар қаддини ростлаб ола бошлаган йилларда партия Марказий Комитетининг топшириғи билан бу ўлкага неча марталаб келган эдим. Мана энди ҳозир эришилган ютуқларни ўша йилларда бўлган ҳоллар билан таққослаб қаралса, сизларнинг ютуқларингизга қувонмаслик мумкин эмас. Сизларга ва сизлар орқали бутун Красноярск ўлкасининг меҳнаткашларига чин кўнгилдан большевикча салом топширишга ижозат берингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Колхоз тузуми душманларга қарши курашда, қийинчиликларни, камчиликларни ва хатоларни енгиш жараёнида, меҳнаткашларнинг қаҳрамонона меҳнати натижасида, ишчилар синфининг деҳқонлар билан мустаҳкам ва қардошларча ленинча иттифоқи натижасида туғилди ва мустаҳкамланди **(Қарсаклар).** Бугун биз колхоз тузумининг узил-кесил ва абадий ғалабасини кўриб турибмиз. Қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш планининг натижалари, отамиз ва устозимиз улуғ Ленининнинг кооперативлаштириш планининг ғалабалари сизларнинг ўлкангиз мисолида айниқса яққол кўриниб турибди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Революцияга қадар Красноярск ўлкаси (собиқ Енисей губернияси) совуқ ва жуда қолоқ ўлка бўлиб танилган эди. Умуман, революциядан олдинги бутун Россия қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги, жумладан, Красноярск ўлкаси учун ҳам характерли хусусиятлар эди. «Енисей губерния комитетининг қишлоқ хўжалик саноатининг эҳтиёжлари тўғрисида»ги журналларда бундай деб ёзилган эди: «Губерния қишлоқ хўжалигини тадқиқ қилувчилар бу ердаги маҳаллий деҳқончилик қишлоқ аҳолиси тирикчилигининг асосий манбаи сифатида секинлик билан бўлса ҳам, лекин муқаррар равишда таназзулга юз тутмоқда, деган хулосага келдилар».

Чор ҳукуматининг малайлари бор нарсани ёзиб айтишга мажбур бўлган эдилар, лекин улар истиқболни кўришга жуда ожизлик қилдилар, чунки улар улуғ социалистик революция бўлишини ва Совет ҳокимияти барпо қилинишини олдиндан кўриб айтиб беролмадилар. Октябрь революцияси қишлоқ хўжалигининг тушкунлигини фақат Красноярск ўлкасидагина тугатиб қолмади, шу билан бирга бутун мамлакатда, жумладан, Красноярск ўлкасида индустрияни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантирмоқ учун жуда катта имкониятлар вужудга келтирди ва ҳозир бизнинг ишонлаб турган муваффақиятларнинг қўлга киритилишини— ўлкадаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ғоят ўсишини, колхоз тузумининг ғалабасини таъминлаб берди. **(Қарсаклар).**

Ўлканинг умумий экин майдони кўпайиб 1913 йилдаги 662 минг гектар ўрнига 1956 йилда 3.287 минг гектарга етди, ғалланинг ялпи ҳосили кўпайиб, 27 миллион пуд ўрнига 172 миллион пудга етди: ҳар бир гектардан олинаётган ҳосил 6,9 центнер ўрнига 11,7 центнерга етди; қорамолларнинг сони кўпайиб, 579,7 минг ўрнига 1.020,4 мингга етди. Хўжаликларнинг ҳамма категориялари бўйича тайёрланган ва харид қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 1940 йилдаги 767 минг тонна ўрнига 1956 йилда 1.478 минг тонна ғаллани ташкил қилди. Ялпи ҳосилнинг тез кўпайганлиги чорвачиликнинг ўсганлиги туфайли, Красноярск ўлкаси мамлакатни ғалла, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда бутун Сибирь билан бирликда жиддий роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Бу соҳада у Улуғ Ватан уруши даврида айниқса катта роль ўйнади.

Совет давлатининг 40 йиллик умри давомида қилинган революцион ўзгаришларнинг улуғлиги ва улканлиги Красноярск ўлкаси мисолида айниқса яққол кўриниб турибди. Красноярск ўлкаси жуда қолоқ ўлкадан илғор саноатга, қишлоқ хўжалигига, социалистик маданиятга эга бўлган ўлкага айланди. Бу ўлкада ишлаб чиқарувчи кучлар барқ уриб ривожланмоқда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида бу ўлкада кон-руда, ҳом ашёларни қайта ишловчи, машинасозлик, химия, биноқорлик материаллари саноати ва шу каби жуда муҳим саноат тармоқлари барпо қилинди. Ўрмончилик, ёғочсозлик ва гидролиз саноати, электростанциялар, транспорт ғоят ривожланди.

Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилда фақат 23 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1956 йилда 10,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Ишчиларнинг сони революцияга қадар 7-8 минг кишидан ошмаган бўлса, 1956 йилда ишчиларнинг сони 400 минг кишига етди, яъни қарийб 50 баравар кўпайди. **(Қарсаклар).**

1914 йилда Енисей губерниясидаги аҳолининг 86 процента саводсиз эди. Бу губерния территориясида бўлган 781 мактабда 46,5 минг ўқувчи ўқитилар эди ва битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. 1956 йилда эса аҳоли қарийб 100 процент саводли бўлиб қолди, ўлкадаги 3262 мактабда 331 минг ўқувчи ўқитилмоқда, бу ўлкада 48 та махсус ўрта ва 8 та олий ўқув юртлари бор. **(Қарсаклар).**

Булар шунинг учун ҳам жуда муҳим ютуқлардирки, Ўртоқлар, Октябрь революцияси берган улуғ эркин меҳнат базасидагина, социалистик маданиятнинг, олий ва ўрта таълимнинг ўсганлиги негизидагина, сиёсий маърифатли одамларнинг кўпайганлиги натижасидагина бугун сизлар билан биз тақдирдаб турган қаҳрамонона меҳнат вужудга келиши мумкин. **(Қарсаклар).**

Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришни устун даражада ўстирган ҳолда индустриалаштиришни авж олдириш, шунингдек маданий революция базасида бутун мамлакатимизда бўлгани каби бу ўлкада ҳам йирик машиналаштирилган социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келтиридди. Ўлкада 1045 колхоз, 131 МТС, 72 совхоз бор.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковнинг Тошкентда бўлиши

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ Деҳлига бораётган ССР Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков 23 январда Москвадан Тошкентга келди. Кечқурун Ўртоқ Жуков Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлди. Суратда: Маршал Г. К. Жуков театр вестибюлида шаҳарликлар билан суҳбатлашмоқда.

И. Душкин фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ Деҳлига бораётган Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков 23 январда Москвадан Тошкентга келди. Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковни кутиб олиш учун республика пойтахти меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари аэродромга тўпландилар. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, М. А. Абдураззоқов, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинларининг қўмондони Армия генерали А. А. Лучинский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Е. С. Насриддинова, И. В. Бабков, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Қ. Муртазоев, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ва бошқа раҳбар партия, совет ходимлари ҳамда ҳарбий ходимлар аэродромга келдилар.

Маҳаллий вақт билан соат 16 дан 15 минут ўтганда «ТУ-104» реактив самолёти аэродромга қўнади. Бу ерга йиғилганлар Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни самолётдан чиқишлари биланоқ давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков Тошкент шаҳрининг аэродромда йиғилган меҳнаткашларига қарата табрик сўзлари айтади. Ўртоқ Жуков Ўзбекистон меҳнаткашларини республиканинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан табриклади ва уларга янги муваффақиятлар тилади.

— Менинг Ҳиндистонга қилаётган сафарим,—деди йиғилганларнинг давомли қарсаклари остида Г. К. Жуков,—Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон Республикаси халқларининг мустаҳкамланиб бораётган дўстлигининг янги далилидир. Мен ҳинд халқига совет кишиларидан қизғин салом топшириш шарафига муяссар бўлишимдан ғоят хурсандман.

* * *

Кечқурун Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет театрида бўлди ҳамда «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини томоша қилди.

* * *

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига мувофиқ, 24 январда Тошкентдан Деҳлига жўнаб кетди.

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуковни кузатиб қолиш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Е. Мельников, армия генерали А. А. Лучинский, Тошкент область партия комитетининг секретари С. Нуриддинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов, партия ва жамоат ташкилотларининг, шаҳар корхоналари ва муассасалари коллективларининг, шунингдек маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмларининг вакиллари аэродромга келдилар.

Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков фахрий қоровул бошлиғининг рапортини қабул қилиб, аэродромда ҳозир бўлганларга қарата қисқача нутқ сўзлади. У самимий кутиб олинганлиги ва дўстона кузатиб қўйилаётганлиги учун Тошкент меҳнаткашларига ташаккур изҳор қилиб, совет кишилари номидан Ҳиндистон халқларига муҳаббат ва дўстлик туйғуларини билдиришни, уларга Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун кураш олиб боришга интилаётганликлари ҳақида гапириб беришини айтди.

Маҳаллий вақт билан соат 10 дан 15 минут ўтганда Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков тушган «ТУ-104» самолёти парвоз қилиб, Ҳиндистон Республикаси пойтахтига томон йўл олди. (ЎзТАГ).

* * *

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Г. К. Жуков 24 январда Деҳлига келди. (ТАСС).

Италия Коммунистик партияси раҳбар арбобларининг СССРда бўлиши тўғрисида

Италия Коммунистик партияси бош секретарининг ўринбосари Луижи Лонго ва партия Раҳбарлигининг аъзоси Велио Спано яқинда Москвага келдилар.

Италиялик ўртоқлар КПСС Марказий Комитетида қабул қилиндилар ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов билан, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Поспелов ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси В. Н. Пономарев билан узоқ вақт суҳбатлашдилар. Суҳбат вақтида ишчилар ҳаракатининг ҳар иккала партияни қизиқтирувчи ҳозирги проблемалари юзасидан фикрлар олишилди.

Икки қардош партия вакилларининг учрашуви дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

Красноярск ўлкасига Ленин ордени топширилди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Партия XX съездининг қарорига биноан, мамлакатнинг шарқий районларида (шу жумладан Красноярск ўлкасида ҳам) яқин 10-15 йил ичида мамлакатнинг қўмир ва электр қуввати ишлаб чиқариш бўйича жуда катта базаси, учинчи жуда катта металлургия базаси, янги машинасозлик маркази барпо қилиниши лозим. Шу қарорни амалга ошириш мақсадида Красноярск ўлкаси территориясида жуда катта саноат қурилиши авж олдириб юборилди, жумладан, жуда катта Красноярск гидроэлектростанцияси қурилмоқда, рангли ва қора металлургия корхоналари ва шу каби корхоналар барпо қилинмоқда.

Улуғ рус ёзувчиси А. П. Чехов Сахалинга бора туриб, Красноярскда тўхтаб ўтган ва Енисейни тасвирлаб қуйидагиларни ёзган эди:

...«Енисейда ҳаёт эсанкираш билан бошланган, аммо биз тушумизда ҳам кўролмайдиган қаҳрамонлик билан тугайди. Менга бир вақт келиб, на қадар мукаммал, оқилона ва дадил ҳаёт нурлари бу дарё бўйларини ёритиб юборяпти, деб ўйланиб турдим... Енисей—ўз кучини ва ёшлик ғайратини қаёққа қўйишни билмайдиган қудратли шўх баҳодирдир».

А. П. Чехов коммунист эмас эди, лекин ўз Ватанининг ватанпарвари, улуғ санъаткор бўлганлиги учун ҳам у ўз халқининг, сибирликларнинг—красноярскликларнинг улуғ истиқболи борлигига ишонар эди. Ҳеч бир мақтанмасдан айтишимиз мумкинки, Енисей ўлкада совет кишиларининг мукаммал, оқилона, дадил ҳаёти авж олиб кетди.

Октябрь революцияси Енисейдек баҳодирнинг кучи ва ёшлик ғайратини ишга солиш йўлини очиб берди. Енисей бўйларида яшаб турган одамларнинг баҳодирона революцион қудрати кенг авж олиб кетди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ишчилар синфи Ленин йўлидан бориб, улуғ Коммунистик партия раҳбарлиги остида меҳнаткаш деҳқонлар билан мустаҳкам иттифоқ бўлгани ҳолда мамлакатни социалистик индустриалштириши амалга ошириш мақсадида Красноярск ўлкаси территориясида жуда катта саноат қурилиши авж олдириб юборилди, жумладан, жуда катта Красноярск гидроэлектростанцияси қурилмоқда, рангли ва қора металлургия корхоналари ва шу каби корхоналар барпо қилинмоқда.

Улуғ рус ёзувчиси А. П. Чехов Сахалинга бора туриб, Красноярскда тўхтаб ўтган ва Енисейни тасвирлаб қуйидагиларни ёзган эди:

...«Енисейда ҳаёт эсанкираш билан бошланган, аммо биз тушумизда ҳам кўролмайдиган қаҳрамонлик билан тугайди. Менга бир вақт келиб, на қадар мукаммал, оқилона ва дадил ҳаёт нурлари бу дарё бўйларини ёритиб юборяпти, деб ўйланиб турдим... Енисей—ўз кучини ва ёшлик ғайратини қаёққа қўйишни билмайдиган қудратли шўх баҳодирдир».

А. П. Чехов коммунист эмас эди, лекин ўз Ватанининг ватанпарвари, улуғ санъаткор бўлганлиги учун ҳам у ўз халқининг, сибирликларнинг—красноярскликларнинг улуғ истиқболи борлигига ишонар эди. Ҳеч бир мақтанмасдан айтишимиз лозим. Шу қарорни

Чкалов областига Ленин ордени топширилди

(БОШИ 2-БЕТДА).

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ҳамма ўртоқларга улуғ умумхалқ ишига — қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишига жуда катта хисса қўшганликлари учун ташаккур айтишга ижозат берингиз. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг хўжалигимиздаги манғ шу ютуқларнинг ҳаммасига жонажон Коммунистик партиямиз улуғ Ленининг мамлакатни индустриалаштириш тўғрисидаги васиятларини амалга ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётганлиги туфайли эришдик. Биз ўзимизнинг юксак даражада ривожланган оғир индустриямизни барпо қилмасдан туриб, мамлакатимизнинг мустақиллигини таъминлай олмаган бўлур эдик, қишлоқ хўжалигини қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли бажара олмаган бўлур эдик.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда ва аввало оғир саноатни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар асосида халқимизнинг моддий даражаси ва маданий савияси тўхтовсиз кўтарилиб бормоқда. Сизларга шу нарса маълумки, ўртоқлар, партия XX съездидан кейин бу соҳада бир қанча жуда катта талбирлар амалга оширилди. Меҳнаткашларнинг пенсияларини анча оширишни таъминлайдиган пенсиялар тўғрисида янги Қонун қорий қилинди, кам ҳақ тўланаётган ишчилар ва хизматчилар учун иш ҳақи оширилди, Ўрта ва олий мактабларда ўқиш учун ҳақ тўлаш бекор қилинди, хотинлар учун ҳомиладорлик ва туғиш отпускалари кўпайтирилди, байрамолди кунларида иш куни қисқартирилди, ўсмирлар учун қисқартирилган иш куни жорий қилинди, қўмир саноатида қисқартирилган иш кунига ўтиш амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида — қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, мева ва бошқа бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тайёрлаш нархлари оширилди. Мана шуларнинг ҳаммаси шаҳар аҳолисита, шунингдек қишлоқ аҳолисига ҳам қўшимча равишда катта манфаат олишни таъминламоқда.

Бироқ, бизда халқнинг маиший шароитини таъминлашда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Партия ва ҳукумат шу камчиликларни тугатиш чораларини кўрмоқда. Аввало уй-жой қурилишини кенгайтириш керак. Сизларга маълумки, партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленуми олтинчи беш йиллик планнинг ҳамда 1957 йилги халқ хўжалик планининг контроль рақамларини аниқлаш масаласини кўриб чиқиб, уй-жой қурилишининг ҳажмини кўпайтириш тадбирларини белгилаб берди. Вазифа шуки, уй-жой бинолари қуришни арзонлаштириш ва тезлаштириш, маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш керак, шундагина биз уй-жой етишмаслигини тезроқ тугатамиз.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигимиз олдида катта ва мураккаб вазифалар турган эди ва турибди. Қишлоқ хўжалигида бўлган қийинчиликлар асосан бартараф қилинди ва қишлоқ хўжалиги эндиликда йилдан-йилга тобора юксалмоқда дейиш мумкин. Бироқ, эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб, ҳали бартараф қилинмаган ва янги муваффақиятларга эришишга халақит бераётган камчиликларни кўрмаслик нотўғри бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган Мурожаатида бу йил, яъни 1957 йилда қишлоқ хўжалик ходимлари олдида турган вазифалар тўла-тўкис айтиб берилди.

Ҳозир энг муҳими шуки, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ўрта ва йирик деҳқонларни, ноқонуний равишда ташкилотларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Ўртоқлар! Ўзларининг шавкатли меҳнатлари билан юксак меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатган кишилар — колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг илғор кишилари бу ерда ўтиришди. Партиямиз халқ хўжалигининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси деб олдимизга қўяётган вазифани, яъни меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан юксалтиришни таъминлаш вазифасини Меҳнат Қаҳрамонларининг мана шу йиғилишида яна бир марта эслатиб ўтмоқчиман.

Коммунизм иши учун улуғ курашда бизнинг йўлимизни энг илғор ва прогрессив марксизм-ленинизм таълимоти ёритиб турибди. Марксизм-ленинизм таълим бериб айтадики, коммунизм ўзининг капитализм олдидаги афзалликларини аввало жуда юксак меҳнат унумдорлиги билан исбот қилади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қувватини янада мустаҳкамламоқ, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар тарафлама ривожлантиришни ва халқ фаровонлигининг систематик равишда ўсишини таъминламоқ учун партиямиз барча совет кишиларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш вазифасини муваффақиятли равишда ҳал қилишга чақирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча ошириш вазифаси ғоят катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олтинчи беш йиллик планда мўлжалланган миқёсларда кўпайтириш келгусида ҳам шундай жуда катта роль ўйнаши керак.

Ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари эришган тажрибаларнинг энг яхши намуналарини колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг иш практикасига жорий қилиш тўғрисида партиямиз алоҳида ғамхўрлик қилаётганлигини ва бунга алоҳида эътибор бераётганлигини қайд қилиб ўтиш бугун ҳаммамиз учун айниқса ёқимли бир ҳолдир.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик ходимлари олдига 1957 йилда яна 4-5 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, шу тариқа дон экинлари экиладиган майдонни яна кўпимча равишда кенгайтириш вазифасини қўйдилар. Ички истеъмол учун ҳам, шунингдек экспорт эҳтиёжлари учун ҳам бизда галлага бўлган талаб йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Дон етиштиришни кўпайтириш энг муҳим ва кечиктирилмайдиган вазифа бўлиб қолмоқда. Шуни айтиш керакки, ғўшт етиштиришни кўпайтириш вазифаси энг катта ва мураккаб вазифаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Ғўшт етиштиришда эришилган даража мамлакатимиз эҳтиёжларини ҳали ҳам қондира олмайди. Чорва моллар сонини ва, аввало чўчқалар сонини кўпайтириб, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш масаласи колхозлар ва совхозлар, барча партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган жуда муҳим ишидир. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ишида Чкалов области анчагина катта роль ўйнайди. Мўл ва барқарор ҳосил олиш масаласи сизларнинг областингиз шароитида катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифани ҳал қилиш кўп куч сарфлашни, анча юксак агротехникани жорий қилишни ва техника воситаларидан тагин ҳам юксак даражада унумли фойдаланишни талаб этади. Областда чорва моллар сонини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун бор имкониятлардан ҳали ҳам етарлик равишда фойдаланилмаётир. Шуни эътироф қилиш керакки, қора моллар сони, шу жумладан сигирларнинг сони ҳам сизларнинг областингизда жуда секин кўпаймоқда. Урал ва Волга бўйидаги бошқа областлар билан таққослаб қараганда Чкалов областида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда ғўшт, сут ва жун кам етиштирилмоқда; картошка ва сабзавот экиш ва етиштириш секинлик билан кенгайтирилмоқда, бу экинларнинг ҳосили эса анча паст.

Партиямиз колхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида кейинги икки-уч йил ичида бир қанча тадбирларни қабул қилди ва амалга ошириб, бу тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни бутун чоралар билан ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, рағбатлантириш ва қизиқтиришнинг пишиқ системаси амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соғлом йўлга, қишлоқ хўжалик маҳсулотини истеъмол қилишни муттасил кўпайтириб боришни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб бераётган меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ва иқтисодий рағбатлантиришини ошириш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш билан қўшиб олиб бориш йўлига тушиб олди.

Ҳар бир колхозни ташкилий хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлаш, колхозларнинг жамоат хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, колхоз меҳнатининг унумдорлигини ошириш ва шу асосда колхозчиларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш тўғрисида партия ва совет ташкилотларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Ўртоқлар! Ўзларининг шавкатли меҳнатлари билан юксак меҳнат унумдорлиги намуналарини кўрсатган кишилар — колхозлар, совхозлар ва МТСларнинг илғор кишилари бу ерда ўтиришди. Партиямиз халқ хўжалигининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси деб олдимизга қўяётган вазифани, яъни меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан юксалтиришни таъминлаш вазифасини Меҳнат Қаҳрамонларининг мана шу йиғилишида яна бир марта эслатиб ўтмоқчиман.

Коммунизм иши учун улуғ курашда бизнинг йўлимизни энг илғор ва прогрессив марксизм-ленинизм таълимоти ёритиб турибди. Марксизм-ленинизм таълим бериб айтадики, коммунизм ўзининг капитализм олдидаги афзалликларини аввало жуда юксак меҳнат унумдорлиги билан исбот қилади.

Мамлакатимизнинг мудофаа қувватини янада мустаҳкамламоқ, мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар тарафлама ривожлантиришни ва халқ фаровонлигининг систематик равишда ўсишини таъминламоқ учун партиямиз барча совет кишиларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш вазифасини муваффақиятли равишда ҳал қилишга чақирмоқда.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини анча ошириш вазифаси ғоят катта аҳамиятга эгадир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олтинчи беш йиллик планда мўлжалланган миқёсларда кўпайтириш ва эришмоқ учун колхозларда ҳам, совхозларда ҳам меҳнат унумдорлигини кескин равишда ошириш зарур. Қилган хизматларига яраша муносиб равишда ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган ўртоқларнинг ҳаммасига менинг тилагим шуки, ўзларингизнинг шавкатли меҳнатингиз билан ҳозирги замонинг мана шу улуғ вазифасини муваффақиятли ҳал қилишда бундан буён ҳам энг яхши ўрнак кўрсатингиз.

Сизларнинг кўрсатган ўрнагингиз бошқаларда ижодий меҳнат қилишга ҳавас туғдирсин, совет жамиятининг меҳнатга яроқли ҳар бир аъзосида коммунизм қурилишга кўшаётган ўз хиссасини кўпайтиришга интилиш туғдирсин.

Оммани коммунистик руҳда тарбиялаш ишида ҳам, шунингдек коммунистик жамиятнинг моддий негизларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун курашда бутун халқнинг ижодий юксалишини ташкил этиш ишида ҳам меҳнатга намунали муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатиш билан таъсир ўтказиш ҳозирги вақтда катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. **(Қарсаклар).**

Чкалов области колхозлари ва совхозлари илғорлар тажрибасига ва эришилган муваффақиятларга таянниб, қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш учун курашда бундан буён ҳам биринчи сафларда бўладилар, деб ишонч билдиришга ижозат берингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Мамлакат ички ҳаёти масалалари муҳокама қилинаётган бир вақтда халқаро вазиятни, тинчликка, демократияга социализмга душман бўлган кучларни бир минут ҳам унутиш ярамайди. Ёвга етарлик баҳо бермаслик ярамайди, деб шу билан бирликда унинг кучини ошириб кўрсатиш ҳам керак эмас, капиталистик дунёнинг кучи тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш ҳам керак эмас деб, партиямиз таълим бериб келмоқда, буни коммунизмнинг ички ва ташқи душманларига қарши олиб борилган курашнинг бутун тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Партия XX съездидан кейин халқаро турмушда кўпгина муҳим воқиалар рўй берди. Бу воқиаларнинг энг каттаси ва асоси ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, партиямизнинг тўғри, зийрак ташқи сиёсати натижасида, Совет Иттифоқи, тинчлик ва социализм лагерининг ҳамма мамлакатлари маълум ҳаракатлар қилганлиги натижасида янги уруш бошланиб кетишига йўл қўйилмаганлиги ҳозирги халқаро вазият учун энг характерли ва уни белгилаб бераётган белгидир. Тинчлик тарафдорларининг ҳаммасига далда бериб, уларда ишонч туғдираётган асосий якун мана шудир. **(Давомли қарсаклар).**

Тинчлик сиёсатини оғишмай ва изчиллик билан ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи зарурат туғилган тақдирда, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаш лозим бўлганида, империалистларни бизнинг кучимизга ҳурмат билан қарашга мажбур қила олишини кейинги вақтлардаги воқиалар ва фактлар яна бир марта яққол кўрсатди. **(Қарсаклар).**

Сизларга маълумки, уруш кучларининг янада ишга тушиб кетиш хавфини қайтаришдан иборат олижаноб мақсад учун, ҳаддан ошган агрессорларга қаттиқ таъсир ўтказишга ва уруш оловини ёқувчиларнинг Мисрдаги ҳарбий авантюралари муносабати билан уларнинг кўзини очиб қўйишга тўғри келди. Яна шу нарса ҳам маълумки, халқаро империалистларнинг Венгриядаги контрреволюцион авантюрасини бостирмоқ учун Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг илтимосига биноан совет қўшинларини ишга солиш керак бўлиб қолди.

Шуни айтиш керакки, империалистларнинг Венгриядаги кирдикорлари мамлакатда эски капиталистик тузумни тиклаб олишнигина ўз олдига мақсад қилиб қўйгани йўқ эди. Уларнинг узоққа мўлжалланган мақсади шу эдики, улар социалистик лагерь бирлигига раҳна солишга, социалистик лагерининг орасини бузишга ва бу лагерни саросимага солиб қўйишга, социализмнинг жозиба кучини заифлантиришга уриндилар. Лекин империалистларнинг бу урунишн батамом шармандаликка учради. Социализм лагери ўз кучларини тағин ҳам мустаҳкамроқ қилиб жипслаштириб олди, Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Халқ Демократияси мамлакатлари социализм қудратли лагерининг улуғ бирлигини ва ўсиб бораётган қувватини кейинги вақтларда яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдилар. **(Қарсаклар).**

Тинчликсевар халқлар кучларимизнинг ўсиб бораётганлигини кўриб турибдилар ва бунга қувонмоқдалар, чунки улар бу ўсиб бораётган куч тинчлик ва демократиянинг мустаҳкам таянчи эканлигига амалда қаноат ҳосил қилмоқдалар.

Осиёда тинчлик кучларининг ўсиб бораётганлиги замонамизнинг ёркин белгисидир. Замонамиздан олдинги тарихнинг характерли хусусияти шуки, Осиё ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари фақат чет давлатлар сиёсати учун объект бўлиб келган эдилар. Ҳозирги кунда бутун дунё Осиё халқларининг ўз овозини эшитиб турибди, уларнинг миллий эркинлик ва мустақиллик йўлидан қаттиқ қадам ташлаб бораётганлигини кўриб турибди. Бугунги кунда агрессив кучларнинг Осиёдаги сиёсати миллион-миллион кишиларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Агрессорлар кетма-кет маглубиятга учрамоқдалар.

Ўртоқ Чжоу Энь-лай бошчилигида Хитой Халқ Республикаси делегациясининг шу кунларда Совет Иттифоқига келиб кетганлиги муносабати билан икки улуғ халқнинг — Хитой ва совет халқларининг дўстлиги нақадар мустаҳкам ва кучли эканлиги яна бир марта намойиш қилиб кўрсатилди. Совет кишилари Шарқда стабеллаштирувчи қудратли куч бўлган, Шарқнинг тинч ривожланиши ва тараққий этиши учун таянч бўлиб турган, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига яхши таъсир ўтказиб келаётган Хитой Халқ Республикасининг муваффақиятларини кўриб қувонмоқдалар. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Халқимизнинг яхши, ёркин келажаги учун, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун, марксизм-ленинизм таълимотининг улуғ идеялари галаба қозониши учун олиб борилаётган курашнинг ҳамма босқичларида партия ва халқнинг жуда зўр бирлиги ҳамма муваффақиятларимизнинг энг муҳим ҳал қилувчи шарти, асосий негизи бўлиб келди, бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, бу эса коммунизм душманларининг ҳаммасини ваҳимага ва титроққа солмоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мамлакатимиз кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Партиямиз қаттиқ курашларда чиниқди. Партия совет халқи билан жонажон бўлиб бирлашган. Совет халқи партиянинг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди ва унга тўла равишда ишонади. Шунинг учун ҳам биз шунга қаттиқ аминмизки, коммунизм душманлари бирлигимизнинг мустаҳкамлигини, тузуммизнинг мустаҳкамлигини синаб кўрмоқчи бўлганларида ҳар сафар тор-мор келтириладилар. **(Қарсаклар).**

Ишчилар билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи ҳамма ғалабаларимизнинг асосидир. Совет халқи кўп миллатли мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва халқларнинг аҳил ҳамкорлиги туфайли социалистик қурилишнинг ҳамма фронтларида мисли кўрилмаган қисқа тарихий муддатларда жуда катта муваффақиятларга эришди, шу сабабли коммунизм қуришда муваффақият билан олға боришимизга халақит бера оладиган куч жаҳонда йўқ. **(Қарсаклар).**

Чкалов области меҳнаткашлари областнинг юксак мукофот бўлган Ленин ордени билан мукофотланганлигига жавобан ўзларининг кучларига-куч қўшиб ишлаб, социалистик қурилишнинг ҳамма участкаларида янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиришга ижозат берингиз, ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

Яшасин орденли Чкалов области меҳнаткашлари! **(Қарсаклар).**

Яшасин коммунизм қураётган кўп миллатли совет халқимиз! **(Қарсаклар).**

Яшасин ҳамма ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — жонажон Коммунистик партиямиз! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

☆ ☆ ☆

Шундан кейин Г. М. Маленков СССР Олий Совети Президиумининг Чкалов областини Ленин ордени билан мукофатлаш тўғрисидаги Фарманини ўқиб беради. Ленин ордени КПСС область комитетининг секретари Д. С. Полянский ва область ижроия комитетининг раиси А. Я. Жуков қабул қилиб оладилар. Ўртоқ Маленков уларни қўлларини қаттиқ қисиб табриклайди. Улар кучоқлашиб бир-бирларини ўпадилар.

Ўртоқ Полянский жавоб нутқи сўзлади. У ҳукуматнинг юксак мукофоти учун КПСС область комитети ва область ижроия комитети номидан, областдаги барча ишчилар, колхозчилар ва интеллигентлар номидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қилади.

— Ҳозирги ажойиб шодиёна кунда,— дейди Ўртоқ Полянский,— биз партия Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, меҳнатимизга берилган юксак баҳони шараф билан оқлаш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. Оренбург галлакорларининг сўзи қатъий сўз бўлмоғи керак. Бизнинг ваъдамиз амалга ошмоғи керак.

Мажлисда КПСС Адамовск район комитетининг секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Теляковский, Мичурин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. А. Бурма, Южуралмаш заводи (Орск шаҳри) ишчиси Н. С. Пуговкин, қўриқ ерда ташкил этилган «Ириклинский» совхозининг директори Ф. И. Штельмах, Чкалов ипак комбинатининг тўқувчиси Т. Ф. Соколенко, Соболевский МТСнинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. П. Шукшин, Куйбишев область ижроия комитетининг раиси М. П. Грибков, Қозоғистон КП Ғарбий Қозоғистон область комитетининг секретари М. Римжонов, КПСС Бошқирдистон область комитетининг секретари З. Н. Нуриев нутқ сўзладилар.

Мажлис қатнашчилари СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

Г. М. Маленков қишлоқ хўжалик илғорларининг катта бир группасига ҳукумат мукофотларини топширди.

Энг яхши, ғалаба ҳаваскорлик коллективлари мажлис қатнашчилари учун концерт қўйиб бердилар. Улар маҳаллий шоир ва композиторларнинг асарларини ижро этдилар.

Ўртоқ Н. А. Булганин Тожикистондан жўнаб кетди

СТАЛИНОБОД, 23 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин тушган поезд бугун кечаси Регар станциясига келди. Поезднинг келишига вокзалда район маркази меҳнаткашларидан ва яқин атрофдаги колхозларнинг аъзоларидан беш мингдан кўп киши тўпланди. Вокзалда митинг бўлди. Н. А. Булганин тўпланган кишилар олдида қисқача нутқ сўзлади. У Регар райони меҳнаткашларини республиканинг Ленин ордени олганлиги билан табриклади ҳамда уларга 1957 йилда меҳнат соҳасида муваффақиятлар тилади. Ўртоқ Н. А. Булганин бундай деди:

— Ўтган йил район пахтакорлари яхши ишладилар ва мўл ҳосил олдилар. Мен регарликлар бу йил ҳам яхши ишлайдилар ва «оқ олтин»ни мумкин қадар кўпроқ берадилар, деб ўйлайман.

Ўртоқ Н. А. Булганин ўз нутқининг охирида меҳнатсевар тожик халқи ва Тожикистон республикаси шарафига табрик сўзлари айтди.

Шундан кейин район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Курбонов сўзлаб, регарликлар зўр ғайрат билан ишлайдилар ва бу йил ҳам 10 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта топширадилар, деб Ўртоқ Н. А. Булганинга ваъда берди.

А. И. Микоян Ашхободдан жўнаб кетди

АШХОБОД, 24 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ўртоқ А. И. Микоян бугун эрталаб Туркманистон пойтахтидан Москвага жўнаб кетди.

Ўртоқ А. И. Микоянни кузатиб қолиш учун Туркманистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Ф. А. Гришаенков, Н. Дурдиева, Р. Чариев, ҳукумат аъзолари, ССР Иттифоқи Олий Совети ва Туркманистон ССР Олий Советининг депутатлари ҳамда республиканинг бошқа раҳбар партия ва совет ходимлари Ашхобод аэропортига тўпландилар.

А. И. Микоян билан бирга Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Бобоев, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси А. Сариев, Туркманистон ССР Министрлар Советининг раиси Б. Авезов аэродромга келдилар.

А. И. Микоян билан бирга Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Бобоев ҳам жўнаб кетди.

Н. А. Булганин ва А. И. Микоян ўртоқлар Москвага жўнаб кетдилар

ҚАРШИ, 24 январь. (ЎзТАГ). СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. А. Булганин бугун Москва вақти билан эрталаб соат 8 да Сталинободдан Қаршига келди. У билан бирга Тожикистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Ўлжабоев ва Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Додхудоевлар ҳам келдилар.

Ўртоқ Н. А. Булганинни кутиб олиш учун шаҳар меҳнаткашларининг кўп вакиллари вокзалга келдилар. Кутиб олувчилар орасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. Мирзаҳмедов, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Ғуломов бор эди.

Ўртоқ Н. А. Булганин вокзалдан аэродромга жўнаб кетди. Бир оз вақт ўтгандан кейин аэродромга СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари Ўртоқ А. И. Микоян, Туркманистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Бобоев, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоевалар тушган самолёт келиб қўнди.

Н. А. Булганин ва А. И. Микоян ўртоқлар кузатиб қолувчилар билан саммий хайрлашиб, «ТУ-104» самолётига чиқдилар. Самолёт Москвага томон йўл олди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН САНЪАТИ ВА АДАБИЁТИ ДЕКАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Қорақалпоғистон санъати ва адабиётининг Тошкентда ўтказиладиган декадаси қатнашчиларини энг яқин ва энг азиз дўстлар сифатида кутиб олдилар. Қорақалпоқ халқининг вакилларига қизғин салом сўзлари ёзилган транспарантлар шаҳар кўчаларини безади. Ранг-баранг афишалар Станиславский номли театр коллективи, филармония ансамблининг шаҳардаги энг яхши театрлар, концерт заллари, клуб ва маданият саройларида ўтказиладиган чиқишлари, адабий-бадиий кечалар тўғрисида дарак беради.

24 январда декада тантанали суратда очилди. Саноат корхоналарининг илғорлари, колхоз далаларининг донгдор меҳнаткашлари, санъат, адабиёт усталари, фан арбоблари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутатлари Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театри залига тўпландилар. Залда ҳозир бўлган кишилар орасида Москва, Ленинград, Қозоғистон, Туркманистон ёзувчилари, Ўзбекистон областлари меҳнаткашларининг вакиллари бор.

Президиум столи ёнида М. А. Абдураззоқов, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, Қ. Муртазоев, Ш. Р. Рашидов, З. Р. Раҳимбобоева, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Н. Маҳмудов, Қорақалпоғистон Министрлар Советининг Раиси Н. Жапоқов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Ғ. С. Султонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон ёзувчилар союзининг биринчи секретари С. Азимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари, ёзувчи Ойбек, Ғафур Ғулом, СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Қорақалпоғистон ёзувчилар союзининг раиси Х. Сеитов, ёзувчилардан Ж. Оймурзаев, А. Бегимов, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артистлари А. Шомуротова, Жапоқ Шомуротов, Қорақалпоғистоннинг халқ оқини Қурбонбой Тожибоев, халқ шоирлари А. Дабилов, С. Нурумбетов, жамоатчилик вакиллари Ўтирибдилар.

Тантанали кечани Ўзбекистон ССР Маданият министри А. М. Қўчқоров очади. Ўртоқ Қўчқоров республика маданият арбоблари номидан қорақалпоқ халқи вакилларини декаданинг очилиши билан қизғин табриклайди ва уларнинг чиқишларига муваффақият тилайди.

Ғулдурос, давомли қарсаклар остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумидан иборат Фахрий президиум сайланди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси Н. Жапоқов сўзлайди. Ўртоқ Жапоқов Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг ҳаётида рўй берган жуда катта ўзгаришлар ҳақида гапиради. Бир замонлар мазлум ва ҳуқуқсиз бўлган қорақалпоқ халқи Улуғ Октябрьнинг ғалабаси натижасида, Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсатини амалга ошириш асосида чинакам озодликка ва бахтли ҳаётга эришди, ўз экономикасини юксак даражада тараққий эттирди, коммунистик қурилишнинг кенг ва порлоқ йўлига чиқиб олди.

Қорақалпоқ халқининг миллий маданияти мисли кўрилмаган тез суръатлар билан ўсмоқда ва ривожланмоқда. Бир замонлар саводсизлик ҳукм сурган ана шу автоном республикада ҳозирги вақтда кўплаб ўқув юртлари, илмий муассасалар ташкил этилди, санъат ва адабиёт ходимларининг ижодкор коллективлари самарали иш олиб бормоқдалар.

Ўртоқ Жапоқов автоном республиканинг фаолиятини батафсил анализ қилади. У таъкидлаб ўтадики, декада ўтказилиши муносабати билан қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида 58 китоб нашр этилди, Қорақалпоқ адабиёти учун янгилик бўлган роман, повест, киносценария, ҳикоя, очерк каби формалар тараққий этди, драматургия ва болалар адабиёти вужудга келтирилди. Халқ муҳаббатига сазовор бўлган қорақалпоқ театри мустаҳкамланди. Станиславский номли қорақалпоқ театри, Бердах номли давлат филармонияси, радиоинформация бошқармаси ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари декада вақтида катта ва ранг-баранг программани ижро этадилар. Декада вақтида автоном республика тасвирий санъат усталари кўп нарсаларни кўрсатадилар. Ана шу муваффақиятларда автоном республиканинг ёш интеллигенциясига доим ёрдам кўрсатаётган қардош совет республикалари санъат ва адабиёти ходимларининг роли каттадир. Қорақалпоғистон ёзувчилари ва санъат ходимлари рус ва ўзбек адабиёти ҳамда санъатининг классик асарларидан намуна олиб, ҳаётни реалистик асосда тасвирлашни, турмуш ҳақиқатини чуқур билишни, юксак ғоявийликни, бадиий формаларни мукаммал эгаллашни ўргандилар ва ўрганмоқдалар.

Ўртоқ Жапоқов айтадики, Қорақалпоғистон адабиёт ва санъат ходимлари ўз муваффақиятларини намойиш қилиб кўрсатиш билан бирга, ўз ишлари халқнинг ўсиб бораётган талабларига ҳали тўла жавоб беролмаслигини яхши биладилар. Тошкентда ўтказилаётган бу декада автоном республиканинг маданиятини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун катта ёрдам беради.

Сўз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидовга берилади.

— Қорақалпоғистон санъати ва адабиёти декадаси, — дейди Ўртоқ Рашидов, — қорақалпоқ халқи учунгина эмас, балки Ўзбек халқи, рус халқи учун — Совет Иттифоқидаги барча қардош халқлар учун ҳам катта ва қувончли воқиадир.

Ўртоқ Рашидов қорақалпоқ халқининг вакилларини — декада қатнашчиларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан, бутун Ўзбек халқи номидан табриклайди ҳамда адабиёт ва санъатни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларини ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда зўр илҳом ва истеъдод билан намойиш қилиб кўрсатишларини тилайди.

Ўртоқ Рашидов сўзининг охирида қуйидагиларни айтади:

— Тахминан бир йилдан кейин Москвада Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси ўтказилади. Бу декада қорақалпоқ санъати ва адабиёти учун ҳам кўрик бўлади. Қорақалпоқ санъати ва адабиёти декадасининг қатнашчилари эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмайдилар ва ўз маҳоратларини такомиллаштирадилар, Москвада ўтказиладиган декадага янги ижодий ютуқлар билан борадилар, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводининг донгдор токари В. П. Титов, Тошкент шаҳар Советининг раиси М. Т. Турсунов, Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маннонов, Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг студенти С. Воҳидова Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент области меҳнаткашлари номидан декада қатнашчиларини табриклайдилар.

Театр залида ҳозир бўлган кишилар Қорақалпоғистон ёзувчиларидан А. Дабилов, Х. Сеитов, А. Бегимов, Ж. Оймурзаевларнинг сўзларини қарсаклар билан кутиб оладилар. Улар, шунингдек қорақалпоқ ёзувчиларининг асарларини таржима қилган Ўзбек шоирлари Уйғун ва Миртемир Қорақалпоғистонда рўй берган жуда катта ўзгаришлар ҳақидаги, Совет ҳокимияти, Коммунистик партия халққа келтирган бахт-саодат тўғрисидаги шеърларини ўқийдилар.

Раислик қилувчи декада қатнашчилари номига олинган кўп табрик телеграммаларни, жумладан СССР Маданият министрлиги ва СССР Ёзувчилар союзининг табрик телеграммаларини ўқиб беради. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг тантанали садоси янграйди.

Қорақалпоқ санъати усталарининг концерти бошланади. Станиславский номли театр, Бердах номли филармония ва Қорақалпоғистон АССР Маданият министрлиги радиоинформация бошқармасининг қўшма хори концертни бошлаб беради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССРнинг хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Халимов, А. Султонов ва Ф. Назаров дирижёрлик қилган симфоник оркестр жўр қилган ҳолда хор партия тўғрисидаги, Ватан ҳақидаги, социалистик Қорақалпоғистоннинг



СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ. Суратда: (чапдан ўнгга): Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз раиси **Н. Маннонов**, Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитетининг секретари **К. Тошпўлатова** ва шу райондаги Маленков номли колхознинг бригада бошлиғи **Ғ. Қодиров**, Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг раиси **А. Д. Брухтий**, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси **А. Убайдуллахўжаев**, Бўка районидаги Вильямс номли колхознинг раиси **Ғ. Азаматов** ва Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси **Қ. Султонов** ўртоқлар.

Хўжаликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантирайлик

(Ўртасарой район партия конференциясидан)

Ўртасарой районининг пахтакорлари КПСС XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашиб, ўтган йили пахтачиликни ривожлантиришда тузук натижаларга эришдилар. Давлатга ҳар гектар ердан қарийб 27 центнердан пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 1955 йилдагига нисбатан 4 центнердан кўпроқ ошди.

Район колхозлари давлатга чорвачилик маҳсулотлари, ғалла, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планларини ҳам тўла адо этдилар.

Яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг секретари Ўртоқ И. Юнусов эришилган муваффақиятларни анализ қилиб берди. Шунингдек у, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни олиб боришда катта камчиликларга йўл қўйилганини таъкидлади.

Делегатлар докладни муҳокама қилар эканлар, ютуқларни қайд қилиш билан бир қаторда, район партия комитети, район ижроия комитети ва МТСларнинг раҳбарлари барча колхозларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаганликларини айтдилар. 5 колхозда — Оржоникидзе номли, Булганин номли ва бошқа колхозларда ҳар гектар ердан олинган ҳосил 20 центнерга, айрим бригада ва звеноларда эса ҳатто 15 центнерга ҳам етмади. Юқоридаги икки колхозда давлат пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди.

Бунинг сабаби шундан иборат бўлдики, район партия комитети қолоқ колхозларнинг партия ташкилотларига, правлениеларига ички резервларни ишга солиш, ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларнинг савиясини ошириш юзасидан етарли амалий ёрдам бермади.

Маълумки, район колхозларида ҳосилдорликни ошириш учун катта резервлар бор. Бунга 2-МТС зонасидаги илғари қолоқ ҳисобланиб келган Жданов номли ва Будённий номли колхозларда ички резервларни ишга солиш ҳисобига ўтган йили ҳар гектар ердан 23-27 центнердан ҳосил олингани, ҳосилдорлик гектар бошига 5-7 центнер оширилгани мисол бўла олади.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам катта камчиликлар юз берди.

«Полярная звезда» колхози пахтачилик соҳасида районда энг илғор ҳисобланади. Лекин колхозда чорвачиликнинг ривожланиши пахтачиликнинг ривожланишидан сезиларли даражада орқада қолаётир. Колхозда чорва молларининг туёғини ўстириш, ҳар 100 гектар ер ҳисобига чорва маҳсулоти етиштириш планлари тўла бажарилмади.

Колхозларда чорвачилик маҳсулоти етиштириш даражасининг бу қадар пастлигига ва чорвачиликдан зарар кўрилаётганлигига чорва моллари туёғини ички имкониятлар ҳисобига эмас, балки хўжаликнинг бошқа тармоқларидан олинган даромаднинг бир қисмини сарфлаб, четдан мол сотиб олиш йўли билан кўпайтириш каби нотўғри практикага йўл қўйиб келинаётгани сабаб бўлмоқда.

Район партия комитети ва унинг бюроси чорвачилик фермаларини коммунист ва комсомоллар ҳисобига мустаҳкамлаш, чорвадорларнинг меҳнатини ташкил этиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга кам эътибор бераётир. Колхозлардаги 342 коммунистдан чорвачилик фермаларида фақат 27 киши ишлайди. Чорвадорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар суст олиб борилмоқда, агитчилар фермаларда камдан-кам бўладилар.

Делегатлардан С. Абдуллаев, М. Хўжаев, Цой П. А. ва бошқа ўртоқлар шу ҳақда гапирдилар.

Конференцияда партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлардаги камчиликлар ҳам очиб ташланди.

Иккинчи МТС трактор бригадасининг бошлиғи Ўртоқ А. Барсуков бундай деди:

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашга юзаки қаради. Сталин номли колхоз партия ташкилотининг собиқ секретари Акмалов ишни уддалай олмади. Унинг партия ишида тажрибаси йўқ эди. Райком эса уни партия ташкилотининг секретарлигига тавсия этганда буни ҳисобга олмаган. Натижада илгари қолоқ ҳисобланган бу колхоз ўзини узил-кесил ўнгариб ололмади. Колхозда ўтган йили гектаридан фақат 20 центнердан пахта ҳосили олинди.

Шунингдек, у, механизаторларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш зарурлигини ҳам кўрсатди.

Район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ Хон Владимир бошланғич партия ташкилотлари комсомол ташкилотларининг ишига раҳбарликни кучайтиришлари, КПСС сафини колхоз ва МТСларда ишлаётган комсомоллар, илғор ёшлар ҳисобига ўстириш лозимлиги ҳақида гапирди.

Конференцияда районда кўклам экин кампаниясига тайёргарлик кўриш қониқарсиз эканлиги алоҳида қайд қилинди. Қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, далага ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш суст бораётир. 2-МТС да 555 та турли хил машинадан энди 118 таси ремонт қилинган. МТС зонасидаги колхозларда далага гўнг ташиб чиқариш плани 10-15 процент миқдорида бажарилган.

Конференцияда район партия комитетининг янги состави сайланди.

* * *

Район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда район партия комитетининг биринчи секретари қилиб К. Акрамов, райком секретарлари қилиб Эм Т. А., Ким Б. М. ва С. Сагдуллаев ўртоқлар сайландилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Тошкент район партия комитетининг пленуми

Яқинда Тошкент район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари райком секретари Ўртоқ Б. Абуянчиковнинг «1956 қишлоқ хўжалик йилининг якунлари ва 1957 йил кўклам дала ишларига тайёргарлик кўриш вазифалари ҳақида»ги докладини тингладилар ҳамда муҳокама қилдилар.

Район колхозлари ўтган йили давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш, чорвачиликни ривожлантириш планларини тўла адо этдилар.

Аммо райондаги айрим колхозларда, жумладан Андреев номли, Хрушчев номли ва бошқа колхозларда сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларидан планда белгиланган миқдордан кам ҳосил олинди. Докладчи, шунингдек пленум қатнашчилари буни алоҳида таъкидлаб кўрсатдилар.

Пленумда чиқиб сўзлаган Тўраҳонов, Пўпатов ва бошқа ўртоқлар район партия комитети ва район ижроия комитети бўлимларининг ходимларини колхозларда камданкам бўлаётганликлари, колхоз ва МТС партия ташкилотларига хўжалик ходимларига партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш, хўжаликка раҳбарлик қилишни яхшилашда тегишли амалий ёрдам бермаётганликлари учун танқид қилдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ф. ИЗЮМНИКОВ.

ҚУРУЛТОЙ ДЕЛЕГАТИ ҲИСОБ БЕРАДИ

Илғор колхоз кўкламга пухта тайёрланмоқда

ОҚШАМДАГИ СУҲБАТ

Раис қурултойдан қайтиб келганда ҳаво очилиб, фавқулодда баҳор шабадаси кезиб юрарди. Идорадагилар, қизил чойхонада ўтирганлар, қўшни колхозлардан раисни табриклаш учун келган меҳмонлар уни очиқ чеҳра ва хурсандчилик билан кутиб олдилар. Колхоз раиси Абдулла Ортиқовга СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилган эди. Бу хушхабарни қишлоқдаги каттакичиккинг бариси эшитди. Бригада ва звено бошлиқлари, колхозчилар катта чойхонага йиғилишди. Қизил чойхонанинг кенг хонасини электр нури мунаввар қилиб юборган эди. Деворларга осиб қўйилган расмлар, диаграммалар колхознинг 1956 йилда эришган ютуқларини кўрсатиб турарди.

Колхоз раиси табрик сўзларига жавобан чин кўнгилдан раҳмат изҳор қилди. Шундан кейин у Тошкентда, катта театрда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ва илғорлар қурултойида айтилган гапларни колхозчиларга сўзлаб берди.

— Партия ва ҳукуматимиз бизнинг 1956 йилда қилган меҳнатимизни муносиб тақдирлади, республикамизга энг олий мукофот — Ленин ордени берилди. Бу, бизнинг ҳам ғайратимизга-ғайрат, кучимизга-куч қўшади. Республикамизнинг Ленин ордени олишида бизларнинг ҳам кичик ҳиссамиз бор. Маълумки, колхозимиз ўтган йили пахта тайёрлаш планинигина эмас, ҳатто социалистик мажбуриятини ҳам бажарди. 1164 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб пахта топширилди.

Бунчалик катта ҳосилни етиштиришимизда илғор, прогрессив усулни қўлланганлигимиз, гўзани квадрат-уялаб парвариш қилганлигимиз катта ёрдам берди. Мана шу ерда ўтирипти, Икром Иброҳимов. У бошлиқ трактор бригадаси бултур жуда яхши ишлади. Гўзани культивация қилишда, эгат очишда, ўғит солишда биз билан бирга меҳнат қилиб, шунчалик катта ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Биз азамат механизаторларимиздан жуда хурсандмиз.

Шундан кейин раис қурултойда пахтакорлар олдига қўйилган вазифалар тўғрисида гапирди.

— Бу йил мамлакатимизга камида 3 миллион тонна пахта етказиб беришимиз керак, — деди у. — Бу вазифани бажариш анча қийин, албатта. Аммо ҳар бир пахтакор, механизатор астойдил ишласа, мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашса, қўйилган вазифа тўла адо этилади.

Бизнинг колхозимиз бултур гектаридан 35 центнердан ошириб пахта топширди. Биз бу йил 37 центнердан ҳосил етиштирамиз деб курашмоқдамиз. Ана шу ҳосилни олиш даставвал сизларнинг меҳнатингизга боғлиқ. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти бу вазифани колхозчиларимиз, механизаторларимиз шараф билан бажарадилар деб ишонади.

— Ишонсаларингиз бўлади, — деди илғор бригада бошлиғи Исмоил Мирзабобоев, — бизнинг бригадамиз бултурги йили 40 центнердан пахта берди. 1957 йилда 103 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта топширамиз деб аҳд қилдик. Мана бугун биз билан беллашмоқчи бўлган бригадалар айтсин, мусобақа боғлаймиз.

— Мусобақа ўйнашга тайёрмиз, — деди бригада бошлиғи Исмоил Иноғомов, — бизнинг бригадамиз аъзолари мусобақада голиб чиқиш учун курашадилар.

Ўтирганлар илғор бригадирларнинг сўзини қарсак чалиб маъқуллайдилар.

Суҳбат вақтида колхоз раиси пахтакор колхозларда ҳам чорвачиликни ривожлантириш муҳим масала эканлиги, қишлоқларимизни янгичасига қуриш, колхозчилар учун планли равишда уйлар қуриб бериш ҳозирги пайтда энг зарур масала эканлиги, бу ҳақда қурултойда ҳам кўп гап айтилганлигини сўзлаб берди.

ДАЛАГА ЧИҚҚАНДА

Ҳозирги пайтда даланинг манзараси бир хил. Кенг далаларни қор қоплаб ётипти. У ер-бу ердаги узоқдан қорайиб кўринадиган дўнгликларни ҳисобга олмаганда, ҳамма дала бир хилга ўхшайди. Шу дўнгликларни кўпинча илғор колхозлар даласида учратасиз. Бу, ёзнинг ғамини қишда еяётган уста пахтакорларнинг иши.

Сталин номли колхоз аъзолари ҳам пахта майдонларини яхши ўғитлаш учун шу кунлардан ҳаракат қилмоқдалар. Ҳалиги дўнгликлар деганимиз маҳаллий ўғит экан. Далалар бурчагидаги чуқурларга тўкилган маҳаллий ўғит юқорига кўтарилиб, унинг усти тупроқ билан қўмлаб қўйилмоқда.

Ҳозир колхозда 23 та арава, 7 та автомашина ишлаб турипти. Ҳар бир бригадада махсус гўнгхоналар бор. Колхозчилар қишлоқ ичидаги, фермалардаги маҳаллий ўғитни мумкин қадар кўпроқ далага чиқариб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар биладиларки, пахтадан мўл ҳосил олиш учун фақат минерал ўғитнинг ўзи кифоя қилмайди. Маҳаллий ўғит биринчидан, тупроқни юмшоқ ва сернам тутса, иккинчидан, гўза айни ҳосил тугаётган даврида иш беради. Шунинг учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳар бир гектар ерга 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит солишни мўлжаллаб, бригада ва звеноларга топшириқ берди. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов қурултойдан келгач, маҳаллий ўғитнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини колхозчиларга яна бир марта уқтирди. Шундан кейин иш илгаригидан ҳам қизғин тус олиб кетди.

Бригадалар кўп маҳаллий ўғит тўплаш юзасидан сайлов олди мусобақасини кучайтириб юбордилар. Исмоил Мирзабобоев, Исмоил Иноғомов ўртоқлар бошлиқ бригадалар маҳаллий ўғит тўплашда намунали иш қилмоқдалар. Шунинг учун арава ва машиналар бир кунда мўлжалдагидан бир-икки марта кўп қатнамоқда. Қурултойдан илгари колхоз бўйича бир кунда 50-60 тонна ўғит чиқарилган бўлса, ҳозир 110-115 тонна гўнг чиқарилмоқда.

Колхоз усталарининг иши жуда кўп. Улар борона, от сеялкаси, окучник, культиватор, ўғитлагич машиналарини тезроқ ремонт қилиб қўйишлари, кўкламга тахт бўлиб туришлари керак. Абдуҳаким уста Қосимов кўпинча уйига кеч қайтади. У, колхозчиларнинг айтганидай ишлашга ҳаракат қилади.

Қиш кунлари бўлишига қарамай, колхоз қишлоғида кўкламга тайёргарлик қизғин бораётганлигини сезиб турасиз. Ҳар бир киши — каттадан-кичик пахтамиз мўл бўлсин деган ният билан ҳаракат қилмоқда.

«ПАХТАКОРНИНГ ҲАМ СИГИРИ КЎП СУТ БЕРСИН...»

Суҳбатлардан бирида колхоз раиси қурултойда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг айтган гапини эслади. Шунда ўртоқ Хрушчев Ўзбекистоннинг кўпгина колхозлари пахтачиликда яхши натижаларга эришаётган бўлса ҳам, лекин чорвачиликда анча орқада қолаётганлигини таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам тўғри. Айрим колхозларга борсангиз, унда пахтадан мўл ҳосил олинаяпти, лекин чорвачиликдан гап очилса, «бу ишга қўлимиз тегмайди» деган сўзни эшитасиз. Сталин номли колхозда пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда. 1946 йилда 80 бош сигирнинг ҳар биридан 744 литрдан сут соғиб олинган бўлса, бултур 172 бош сигирнинг ҳар биридан 2495 литрдан сут соғиб олинди. Пахтачилик ҳам шу зайилда ривожлантирилди. 1946 йилда гектаридан 29,5 центнердан пахта топширилган эди, 1956 йилда бу миқдор 35 центнерданга етди.

Колхозда пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришда беда майдони ва бу экин ҳосилининг оширилаётганлиги катта роль ўйнамоқда. Беда кўп экилаётганлиги сабабли алмашлаб экиш жорий қилинган. Ҳозир колхознинг беда майдони 1953 йилдагига нисбатан 2 мартадан зиёдроқ кўпайди. Ўша йили гектаридан 68 центнердан беда олинган бўлса, 1956 йилда ҳар гектар ердан 89 центнердан беда ўриб олинди. Демак, беда биринчидан, пахтачиликни ривожлантиришга, иккинчидан, чорвачиликни юксалтиришга катта ёрдам бермоқда.

Колхоз чорвадорлари қиш кунларида ҳам сигирлардан кўплаб сут соғиб олмоқдалар. Ўтган йили қишда кунига ҳар бир сигирдан 8-9 литрдан сут соғиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда 11 литрдан ошириб сут соғиб олинмоқда.

Сталин номли колхоз аъзолари пахтакор колхозда чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини кескин ривожлантириш мумкин эканлигини амалда кўрсатмоқдалар.

«... ШАҲАРДАН ФАРҚИ — ФАҚАТ ТРАМВАЙ ЙЎҚ»

Колхознинг бош бухгалтери Шермат ака Раҳимов ҳикоя қилиб берди:

— Бухгалтерия ходимларининг область йиғилиши бўлаётган эди. Шунда менга сўз беришди. Мен аввал ҳамкасбларимга ўзимнинг кўп йиллик иш тажрибам тўғрисида, колхозда бухгалтерия ишларини қандай ташкил қилиш ҳақида сўзлаб бердим. Шундан кейин менга Ўртоқлар савол беришди. Қишлоғингизда қурилиш ишлари қандай? Мен уларга жавоб бердим: колхозимиз Тошкентдан 22 километр нарига жойлашган. Клубимиз, катта идорамиз, республикага доғи кетган болалар боғчамиз бор, — дедим. Қишлоғимизда озиқ-овқат ва саноат магазинлари ишлаб турганлигини айтдим. Ўтил ва қизларимиз етти йиллик, ўн йиллик мактабларда ўқиётганлигини сўзлаб бердим. Қишлоғимизда бир қанча кенг кўчалар борлиги, бу кўчаларнинг икки томонига янги усулда чиройли уйлар қурилганлиги тўғрисида гапирдим. Шунда мен қишлоғимизнинг шаҳардан фарқи фақат трамвай йўқлиги, дедим. Залдагилар менинг бу сўзимни қарсак чалиб табриклашди.

Дарҳақиқат, Сталин номли колхоз қишлоғига борсангиз, ўзингизни шаҳарга келиб қолгандай ҳис қиласиз. Қишлоқ тўла электрлаштирилган ва радиолаштирилган. Бу ерга ҳар йили чет мамлакатлардан ўнлаб делегациялар келиб туради. Улар коллектив хўжалик мустаҳкам хўжалик эканлиги, кўпчилик биргалашиб меҳнат қилса, ҳар қандай шароитда ҳам зўр муваффақиятларга эришиш мумкинлигини шу колхоз мисолида кўрадилар.

* * *

Сталин номли колхоз раиси Абдулла Ортиқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 17 киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Бу олий мукофот барча пахтакорларни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантириб юборди. Колхозчилар 1957 йилда пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини кескин ривожлантириш, она-Ватанимизга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар

С. МАҲКАМОВ,
Янгийўл райони

ТАСС баёноти

Америка матбуотининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларининг расмий доираларида махсус топшириқларни бажарадиган ва атом қуроли билан таъминланган Америка атом аскарий қисмларини тузиш ва уларни бошқа давлатларнинг территориясида жойлаштириш тўғрисидаги масала қараб чиқилмоқда. Бундай қисмларнинг жойлаштирилиши эҳтимол бўлган районлар Ғарбий Европа, Туркия, Эрон, Япония ва Окинава ороли деб кўрсатилади. Матбуотда айтилишича, бу турдаги ҳарбий қисмларни тузиш тўғрисида президент Эйзенхауэрнинг АҚШ бюджети ҳақида конгрессга юборган мактубида ҳам айтилган, шу мактубда Америка ҳукумати бу масалага катта аҳамият беради, деб уқтириб кўрсатилади.

Шундай қилиб, гап АҚШ ҳукуматининг Америка ҳарбий базалари жойлаштирилган чет давлатлар территориясидан атом урушига тайёргарлик мақсадида фойдаланиш ниятлари борлиги ҳақида бораётир. Шу билан бирга Америка ҳукумати эндиликда ўзининг бу ниятларини ҳатто яширмаслик ҳам мумкин, деб ҳисоблайди.

АҚШ ҳукумати ўзининг бу тадбирини «эҳтимол тутилган агрессияга қарши» қаратилган тадбир деб кўрсатиб, АҚШ даги ва бошқа мамлакатлардаги жамоат доираларини чалғитмоқчи бўлади.

АҚШ ҳукуматининг бу янги агрессив ҳаракатининг маъноси нима? — деган савол туғилади.

Америка ҳукуматининг бу тадбири атом урушининг чиқиши хавфини ҳеч шубҳасиз, кучайтиради. Шу нарсани ҳам кўрмаслик мумкин эмаски, бу тадбир АҚШ даги реакцион доиралар атом урушини бошлаб юборган тақдирда бунга жавобан бўладиган асосий зарбани АҚШ дан четга тортиш ва шундай қилиб, биринчи навбатда Англия, Франция, Ғарбий Германия, Италия, Туркия, Эрон, Японияниг ва ўз территорияларида Американинг махсус атом отрядлари жойлаштирилиши кўзда тутилаётган бошқа мамлакатларнинг халқларини атом жавоб зарбаси хавфи остига қўйиш мақсадини кўзлайдиган тадбирдир.

Америка матбуотидаги ана шу хабарлар муносабати билан Совет Иттифоқининг раҳбар доираларида Қўшма Штатлар атом урушига тайёргарлик соҳасидаги ўз планларига уларни жалб этгани ва мамлакатларнинг халқлари АҚШ нинг бу агрессив планларининг амалга оширилиши энг жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англайдилар ва бу агрессив планларга қатъий равишда қарши чиқадилар, деб ишонч билдиришади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу планларнинг амалга оширилиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган оқибатлар учун АҚШ ҳукуматигина эмас, балки ўз давлатларининг территориясидан атом уруши тайёрлаш учун плацдарм сифатида фойдаланилишига розилик берадиган ҳукуматлар ҳам жавобгар бўладилар.

Чехословакия республикаси делегацияси Совет Иттифоқига жўнаб кетди

ПРАГА, 24 январь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради:

СССР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ, Чехословакия республикаси делегацияси 23 январда кечқурун давлат визити билан Совет Иттифоқига жўнаб кетди. Чехословакия республикаси президенти Антонин Запотоцкий бошчилик қиладиган делегация составида бош министр Вильям Широкий, ЧКП Марказий комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний, бош министр ўринбосари Вацлав Копецкий, давлат план бошқармасининг министр-раиси Отакар Шимунек, ЧКП Марказий комитетининг секретари Иржи Гендрих, ташқи ишлар министри Вацлав Давид, қурилиш масалалари билан шуғулланувчи давлат комитетининг министр-раиси Эмануил Шлехта, ташқи савдо министри Рихард Дворжак, соғлиқни сақлаш министри Йозеф Плойгар, миллий мудофаа министри генерал-полковник Богумир Ломский, маҳаллий саноат министри Йозеф Кисели, вакиллар корпусининг раиси Рудольф Стрехай ва Чехословакиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Яромир Вошаглик бор. СССРнинг Чехословакиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси И. Т. Гришин делегацияга ҳамроҳ бўлиб боради.

Прагадаги асосий вокзалда фахрий қоровул саф тортиб турди.

Делегацияни бош министрнинг биринчи ўринбосари Яромир Доланский, Миллат мажлисининг раиси Зденек Фирлингер, ички ишлар министри Рудольф Барак ва бош министр ўринбосари Людмила Янковцова, ЧКП Марказий комитетининг секретарлари, ҳукумат аъзолари, республика президенти канцелярияси, ҳукумат президиуми канцелярияси, ЧКП Марказий комитети секретариати, ташқи ишлар министрлигининг раҳбар ходимлари ва жамоатчилик вакиллари кузатиб қолдилар.

Прагадаги совет элчихонасининг ходимлари ва дипломатия корпусининг аъзолари ҳам делегацияни кузатиб қолдилар.

Польша сеймига бўлиб ўтган сайловнинг якунларига доир

ВАРШАВА, 23 январь. (ТАСС). Бугун ҳамма газеталар Польша Халқ Республикаси сеймига ўтказилган сайловнинг расмий якунларини эълон қилдилар, шунингдек ҳар бир сайлов округи бўйича сайлов натижалари ва сеймга сайланган депутатларнинг рўйхатлари ҳам эълон қилинди.

«Экспресс вечорни» газетаси сайланган депутатларнинг қайси партияга мансуб эканликлари тўғрисида гайри расмий справка босиб чиқарди. 458 депутатдан (ҳаммаси 459 депутат бўлиб, Краков воеводлигидаги Нова-Сончада 1 депутат сайланмай қолган) 236 депутат Польша Бирлашган ишчи партиясининг аъзоси, 116 депутат Бирлашган деҳқонлар партиясининг аъзоси, 39 депутат Демократик партия аъзоси, 67 депутат партиясиз, шунингдек католик арбоблардир.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

СТАНИСЛАВСКИЙ НОМЛИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/Іда (Муқимий номли театр биносида) **Равшан**, 26/Іда (Свердлов номли концерт залида) **Ошиқ Ғариб.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/Іда **Фра Дьяволо**, 26/Іда **Боқчасарой фонтани.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/Іда (Ҳамза номли театр биносида) **катта концерт.** Концертда: **Узбекистон ССР халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар** қатнашади. 26/Іда (Муқимий номли театр биносида) **Концерт** (билетлар сотилган).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **К. Доротти гастроллари.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «УЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Бедарак кетган.**

Кисловодская кўча, 2-линия, 29-уйда турувчи **Абдулазиз Ҳидоятовнинг** Уйғур кўчаси, Айланма тупик, 5-уйда турувчи Дилира Аҳмаджонова (Ҳидоятова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6-участка халқ судида кўрилади.

Урганч кўча, 5-уйда турувчи **Пинь Абрамович Бекманнинг** Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 8-переулок, 11-уйда турувчи Людмила Семёновна Гармидердан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01024. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № — 1726.